

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал киймати (сўм): **4000 сум**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **177 023 дона**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий хажми (сўм): **708 092 000 сум**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- ✓ **акциядорлар реестрига киритилиши;**
- ✓ **акциядорлар реестридан узлари хақида қимматли қогоз ҳисобланмайдиган қучирмалар олиш;**
- ✓ **жамият фойдасининг бир қисмини дивиденд сифатида олиш;**
- ✓ **жамият тугатилган тақдирда узларига тегишли улўшга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**
- ✓ **жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**
- ✓ **жамият Низомига мувофиқ эмитентнинг молия-хужалик фаолияти натижалари тугрисида тулик ва тугри ахборот олиш;**
- ✓ **олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;**
- ✓ **ваколатли давлат бошқарув органларида ва суда уз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**
- ✓ **эмитентнинг укувсиз, гаразли хатти-харакатлари туфайли қурган зарарларини тулашни талаб қилиш;**
- ✓ **қимматли қогозлар сотиб олиш вақтида зарар қуриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни сугурталаш;**
- ✓ **жамият оддий акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар умумий йиғилишда мазкур йиғилиш ваколатига қирган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашиш;**
- ✓ **амалдаги қонунларга қура бошқа ҳуқуқларга эгалар.**

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва / ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилувдаги акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган 177023 дона акциялардан 95102 донаси, жамиятга ажратилган ва жамият устав фондига киритилмаган ер майдонларини устав фондига киритиш ҳисобига давлат активи сифатида Қува тумани Ҳокимлиги ҳисобига ва қолган 81921 дона акциялар рўйхат бўйича юридик ва жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **794 016 000 сўм**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамиятнинг аввал жойлаштирилган акциялари 198 504 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акцияларни ташкил этади.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): - **жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна): **Ёпик обуна усулида.**

(Ёпик обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Жамият томонидан қўшимча чиқарилаётган 177023 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз акциялар ёпик обуна усулида биржадан ташқи савдо орқали, қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтган қундан бошлаб 1 (бир) йил

муддат ичида юқорида кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида “Биржа” иқтисодий газетасида маълумот чоп этилгандан кейин бошланади.

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.).

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Кўшимча чиқарилаётган 177023 дона акциялардан 95102 донаси, жамиятга ажратилган ва жамият устав фондига киритилмаган ер майдонларини устав фондига киритиш ҳисобига давлат активи сифатида Қува тумани Ҳокимлиги ҳисобига ва қолган 81921 дона акциялар ўз аризаларига асосан қуйидаги юридик ва жисмоний шахсларга биржадан ташқи савдо орқали жойлаштирилади:

т/р	Акциядорлар	Акция суммаси	дона
1	Ахмаджонова Мархабо	5 000 000	1250
2	"Сирожиддин Санжарбек" х/к	5 000 000	1250
3	Рўзиев Исмоилжон	5 000 000	1250
5	Абдуллаев Абдулахад	9 000 000	2250
6	Мамажонов Хамидулло	12 000 000	3000
7	Абдулхамидова Раъно	4 500 000	1125
8	Абдуллаев Холмурод	1 500 000	375
9	Вахобов Зоир	2 500 000	625
10	Мамажонов Бахтиёр	2 372 000	593
11	Ҳакимов Дилмурод	10 000 000	2500
12	Ахмаджонова Гулсорахон	5 000 000	1250
13	Абдуллаев Зоиржон	1 500 000	375
14	Холматов Нозимжон	1 740 000	435
15	Рахматов Ботир	500 000	125
16	Абдукаримов Турунбой	5 000 000	1250
17	Муратов Мамарўзи	2 500 000	625
18	Исомиддинов Валижон	1 000 000	250
19	Нуралиев Элёрбек	1 500 000	375
20	Нуралиев Шухрат	1 500 000	375
21	Мамадалиева Ибодатхон	2 600 000	650
22	Мамадалиев Ғайратжон	2 600 000	650
23	Маматов Шуқурилло	2 000 000	500
24	Рахмонова Мукаррам	9 000 000	2250
25	Носирдинов Акмал	5 000 000	1250
26	Ғофуров Марипжон	5 000 000	1250
27	Қўлдошев Турғунали	1 300 000	325
28	Юнусова Манзура	700 000	175
29	Ниёзов Зиёдулло	4 900 000	1225
30	Ашурова Х	500 000	125
31	"Фар Кайкубод савдо"	1 000 000	250
32	Хатамжонов Давронжон	2 500 000	625
33	Қамбарова Гуллола	5 000 000	1250
34	Рустамов Эгамберди	5 000 000	1250
35	Самандаров Йўлдошали	500 000	125
36	"Мақсуд ота" балиқчилик	1 000 000	250

37	Комилов Рустам	5 000 000	1250
38	Абдурахмонов Турсунали	6 500 000	1625
39	Умрзақова Юлдузхон	140 000	35
40	Акбаров Музаффар Мамадалиевич	5 000 000	1250
41	Ибрагимов Бахтиёр	3 000 000	750
42	Мухторов Шохрух	5 000 000	1250
43	Абдурахмонов Хабибулла	3 000 000	750
44	Мирзаев Носиржон	4 000 000	1000
45	Мусаев Баҳром Саидович х/т	2 000 000	500
46	Ахунова Муқаддасхон	9 500 000	2375
47	Ахунов Ғайратжон	8 000 000	2000
48	Мирзаходиев Равшанжон	5 000 000	1250
49	Тўхтасинов Абдуқаххор	5 000 000	1250
50	Ботирова Анорхон	10 000 000	2500
51	Комилов Камолиддин	5 000 000	1250
52	Пўлатов Шодибек	8 000 000	2000
53	Абдуллаев Ахрор	5 000 000	1250
54	Сирожиддинова Халимахон	5 000 000	1250
55	Тошпўлатов Шухрат	5 000 000	1250
56	Умаралиев Илхомжон	5 000 000	1250
57	Муродов Мирзохид	5 000 000	1250
58	Рахматжонов Расул	5 000 000	1250
59	Абдулазизова Одина	5 000 000	1250
60	Хожиматов Хожиакбар	5 000 000	1250
61	Рахмонова Мухайёхон	10 000 000	2500
62	Умаралиев Шухратжон	5 000 000	1250
63	Эрматова Зайнабхон	3 000 000	750
64	Хосилов Рахмиддин	5 000 000	1250
65	Ахмаджонова Хурсаной	332 000	83
66	Мадрахимова Сайёрахон	5 000 000	1250
67	Тошалиева Гулчирой	4 000 000	1000
68	Нурдинова Гулшаной Мирзаевна	5 000 000	1250
69	Тоштемирова Гуласал	5 000 000	1250
70	Усмонова Намунахон	10 000 000	2500
71	Усмонов Шерзодбек	10 000 000	2500
72	Хусанова Махфуза Ибрагимовна	2 000 000	500
73	Кўлдошев Акмалжон	5 000 000	1250
74	Фозилов Акмал	500 000	125
75	Орифова Рахнамохон	3 500 000	875
76	Фозилов Ғулом	500 000	125
77	Ашуров Воҳиджон	3 000 000	750
78	Махситали Хакимов х/к	1 000 000	250
Жами:		327 684 000	81921

Акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар иштирок этмайди.

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи кимматли коғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлик ва қискартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қозғаларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, уларни сақлаш тартиби амалдаги қонунчилик асосида тартибга солинади. Акцияларни сақлаш ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Қимматли қозғалар марказий депозитарийси ва иккиламчи депозитарийлар томонидан амалга оширилади. Акциядорлар реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қозғалар давлат Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Депозитарийлар:

Номи: «Ишонч ЛТД» МЧЖ депозитарийси

Манзили: Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси 40 уй. Индекс: 150100, тел: (8373) 224-58-85.

Депозитарий фаолияти амалга ошириш бўйича лицензия рақами: №783, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 17.12.2004 йилда берилган.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

Реестрни шакллантиришни амалга оширувчи марказий рўйхатдан ўтказувчи:

Номи: Қимматли қозғалар Марказий депозитарийси Давлат унитар корхонаси;

Манзили: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: (8371) 236-14-34;

Депозитарий фаолияти амалга ошириш бўйича лицензия рақами: Марказий депозитарий Давлат унитар корхонаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263–сонли қарори асосида амалга оширади.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу акциялар чиқарилувида акцияларни жойлаштиришда акциядорлар ўртасида имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланилмайди.**

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ такдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби- **Акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ такдим этилмайди, акцияларни жойлаштириш бозор қийматида, лекин номинал қийматдан паст бўлган нархда жойлаштирилади.**

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ такдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш

бахосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилувдаги 177023 дона акциялардан 95102 дона акциялар жамиятга ажратилган ва жамият устав фондига киритилмаган ер майдонларини устав фондига киритиш ҳисобига, “Водий инвест баҳолаш” МЧЖнинг 2012 йил 28 июл кундаги жамиятнинг ер участкасига бўлган мулккий ҳуқуқлар қийматини аниқлаш бўйича тузилган ҳисоботига асосан давлат активи сифатида Қува тумани Хоқимлигига ҳисобига жойлаштирилади. Қолган 81921 дона акциялар учун тўлов нақд ва нақдсиз пул маблағлари Фарғона шаҳар “Марказий дехкон бозори” очик акциядорлик жамиятининг х/р 20208000900213623001 МФО: 00867 «Қишлоққурилишбанк» Қува бўлимига ўтказилади.

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташиқлотларининг тўлик ва қискартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштирилладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш - топишириш далолатномаси ва хоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлик ва қискартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): - **Ушбу чиқарилган акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам булган миқдордаги қисми жойлаштирилган тақдирда акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинади.**

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби- **Агар акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинса, акциядорларга пул маблағларини қайтариш тартиби жамият кассаси ҳамда ҳисоб-рақами орқали акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 1 (бир) ой муддат давомида амалга оширилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби:

Акциялар чиқарилуви тўғрисидаги ахборот акцияларни жойлаштириш бошланишига аввал акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар ҳамда акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи тўғрисидаги тулик маълумотлар «Биржа» рўзномасида чоп этилади.

Жамиятнинг янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг тулик матни билан танишиш учун жамиятнинг қуйидаги манзилига мурожаат қилиниши мумкин:

Қува тумани О. Қорабоев кучаси 173 уй манзилида жойлашган жамиятнинг қимматли қоғозлар бўлими.

13. Бошқа маълумотлар:

Йўқ.